



НАМАНГАН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривож, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятида бўлди.

Ташрифнинг иккинчи куни Наманган шаҳрида халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбат-дан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Президент Шавкат Мирзиёев ишти-рок этди ва нутқ сўзлади.

— Хабарларинг бор, Наманган вилоятининг аввалги ҳокими Хайрулла Бозоров ислохот-ларимизни амалга ошириш бўйича кўп ишлар

қилди. Бу ерда олинган сабоқ ва тажрибани иккинчи вилоятда ҳам қўллаш, одамларнинг бирини икки қилиш учун уни Фарғона вилоя-тига ҳоким қилдик. Энди Наманган вилояти-га янги ҳоким тайинлаш масаласини кўриб чиқишимиз керак. Наманганнинг бугунги ривожига муносиб, уddaбурон, халқпар-вар, тадбиркорни қўллаб-қувватлайдиган

одамни раҳбар қилиб сайлашимиз керак, — деди Президент.

Давлатимиз раҳбари ҳокимларни тайёрлаш ва тайинлаш масъулияти ҳақида гапирди.

Сессияда ташкилий масала кўрилди.

— Ҳаёт шундайки, мен ҳар бир вилоятга раҳ-бар бўла оладиган одамни тўрт-беш йил олдин тайёрлашга мажбурман. Шавкат Абдураззоқов

Наманган тумани, Наманган шаҳрида ҳоким бўлган, Вазирлар Маҳкамасида департамент мудири, вазир бўлиб ишлаган. Наманганнинг шароитини, халқнинг дардини, Тошкентдаги кабинетлар эшигини қандай очишни, маса-лани қандай ҳал қилишни билади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил сентябрь ойи-дан буён Наманган вилояти ҳокими вазифаси-ни бажариб келаётган Шавкат Шокиржонович Абдураззоқов номзодини вилоят ҳокими лавози-мига тавсия этди.

Ш.Абдураззоқов 1976 йилда Наманган шаҳ-рида туғилган. Вилоят ҳокимлиги, давлат мулки бошқармаси, Вазирлар Маҳкамасида масъул ла-возимларда ишлаган. Давлат экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси раиси бўлган.

Халқ депутатлари, нуронийлар, аёллар, ёш-лар сўзга чиқиб, номзодни қўллаб-қувватлади. Овозга қўйиш натижаларига кўра, Шавкат Аб-дураззоқов Наманган вилоятининг ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Наманган вилоятини ҳар томонла-ма ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли бандлиги ва да-ромадини ошириш, камбағалликни қисқартириш биринчи муҳим вазифа эканини таъкидлади. “Маҳаллабай” тизимда тадбиркорликни ривож-лантириш учун 850 миллиард сўм кредитлар ажратишга кўрсатма берилди.

Шунингдек, Тикланиш ва тараққиёт жамғар-масидан вилоятга 60 миллион доллар ажра-тилиши айтилди. Бунинг ҳисобидан Наманган шаҳри иссиқлик тизимини қайта қуришга 15 миллион доллар, эски шаҳар инфратузилмаси-ни яхшилаш ва каналлар қирқоқларини обodon-лаштиришга 10 миллион доллар, маҳаллалар-даги драйвер лойиҳаларни молиялаштиришга 10 миллион доллар, лимончиликни ривожланти-ришга 10 миллион доллар йўналтирилди. Ки-чик ва ёшлар саноат зоналарига, ички ва зиёрат туризмининг ривожлантиришга, кредитлар фоизи-нинг бир қисмини қоплашга 5 миллион доллар-дан берилди.

Наманган вилоятида 2021-2022 йилларда умумий қиймати 23 триллион 700 миллиард сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга ошири-лиши қайд этилди. Ушбу 1 минг 728 та лойиҳа орқали 66 мингдан зиёд иш ўрни яратиш режа-лаштирилган.

— Наманганга ўттиз йиллик тарихда бунча маблаг келмаган. Агар шуни тўғри, самарали йўналтириб ишлатсак, вилоятнинг иқтисодиёти

жадал ривожланади, ҳамма туманларга саноат кириб боради, одамлар ишли бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, экинлар таркибини ўзлаштириш муҳимлиги таъкидлан-ди. 17 минг гектар ер ажратиб, 200 минг нафар ёш, пахта кластерлари томонидан ҳар бир ту-манда тикувчилик корхоналарини ишга туши-риб, 10 минг нафар аёллар бандлигини таъмин-лаш вазифаси белгиланди.

Янгиқўрган картошкачилик маркази, Венгрия билан ҳамкорликда картошкачилик йўналишида илмий-тадқиқот институти ташкил этиш бўйича мутасаддиларга топшириқ берилди.

Ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу йил вилоятда 160 километр ичимлик суви ва 11 километр оқова тармоқлари қуриш учун бюд-жетдан 59 миллиард сўм ҳамда Тикланиш ва та-раққиёт жамғармасидан қўшимча 100 миллиард сўм ажратилиши маълум қилинди. Бунинг нати-жасида яна 167 минг нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади.

Президент нима учун “маҳаллабай” тизимда ишлаш кераклиги ҳақида фикр билдирди.

— Яна бир бор айтаман, бугунги Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Замон шиддат билан ўзгаряпти. Яккаю ягона йўлимиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун биз маҳалладаги ва-зиятни чуқурроқ билишимиз лозим. Маҳалла раиси бир кунда битта иш жойи яратса, битта маҳаллада 5 та тадбиркори бўлса розиман. Шундай қилса бўладими? Бўлади. Эрталаб бар-вақт туриб хонадонларга кириб, оғам, иним, қи-зим, ўғлим, биродарим ёки маҳалладошим деб, мана шу дарахтни эк, 100 та товۇқ боқ, биринг икки бўлсин, мана сенга оҳақ, уйингни оқлаб қўйгин, тозалаб қўйгин барака қиради, болала-рингни ўқишга вақтида юбор, десин.

50 минг гектар ерни халқимизга қайтариб бермоқчимиз. Олдинлари минг гектар тўғрисида ҳам гапиролмасдик. 50 мингдан 26 минг гекта-ри Поп туманида. Шуни халққа, ёшларимизга берсак, биримиз икки бўладими, йўқми? Бирин-чидан, ёшларимиз ишли бўлади, иккинчидан, эртага шу ердан олинган маҳсулот бозорга чи-қади. Қолаверса, фермер ҳам уйлай бошлайди, агар бугун мен ишламасам, эртага еримни олиб қўяди, дейди. Бутун дунёда шундай: адолатли рақобат. Наманганда ерга муносабат ўзгарса, маҳсулот ўзгаради. Маҳсулот сифати ўзгарди-ми, бозор арзон бўлади, — деди Президент.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ш.Ш.АБДУРАЗАКОВНИ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасига асосан ҳамда халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ **Шавкат Шокиржонович Абдуразаков** Наманган вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 19 февраль

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ БОЖХОНА ВА ТРАНСПОРТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ОРГАНИГА БИРИНЧИ МАРТА САЙЛАНДИ

Женевада Халқаро йўлларда ташиш (ХИТ) китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенцияси (1975 йил) ижроия кенгашига сайлов бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ўз тарихида илк бор БМТнинг божхона ва транспорт бошқаруви соҳасидаги ушбу нуфузли органи таркибига сайланди.

“Дунё” ахборот агентлиги муҳби-ри Ўзбекистоннинг БМТнинг Жене-ва шаҳридаги бўлини маси ва бошқа халқаро ташкилотлардаги доимий вакили Улуғбек Лапасов билан ушбу воқеликнинг республикамиз учун аҳамияти ҳақида суҳбатлашди.

— Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида-

ги нутқида бугунги кунда Марказий Осиё давлатлари олдиди минтақа-нинг глобал иқтисодий, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интегра-циялашувини таъминлашдек муҳим стратегик вазифа турганини таъкид-лади, — деди дипломат Улуғбек Ла-пасов.

▶ Давоми 5-бетда

ЮРТИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ



“ВОДИЙНИ ЭСЛАГАНДА КЎЗ ЎНГИМДА СИЗ ТУРАСИЗ”

Президентимиз Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротованинг фидойилиги, ибрати, қаҳрамонона меҳнатини ана шундай эътироф этди

Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган Марказий Фарғона чўллари ўзлаштирилиб, қум барханлари ўрнида қад кўтарган бино ва иншоотлар, текис ва равон йўллар, серҳосил далалар унинг манзарасига улғуворлик бағиш-лаб турибди. Одамлар яратувчилик, бунёдкорлик амаллари билан банд. Бу оддий, самимий, ташаббускор кишилар меҳнати, изланишлари маҳсули.

Ярим асрдирки, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиб, эл-юртнинг эътирофи, эътиборига тушган Олтиариқ туманидаги “Нурли обод” фермер хўжа-лиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротованинг ҳаёт йўли, иш амаллари ана шу чўл манзаралари ўт-миши ва нурли келажаги билан чамбар-час боғлиқ.

▶ Давоми 2-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

УЛКАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ

Коронавирус пандемияси жаҳон миқёсида глобал инқирозни вужудга келтирди. Тахминан тўрт миллиардга яқин инсон ўз уйига қамалиб қолди. Кичик ва ўрта бизнес сезиларли зарар кўраётган бўлса, жаҳоннинг йирик корпорациялари ишлаб чиқаришни қисқартирди. Бу миллионлаб одамларнинг ишсиз қолишига олиб келди.

Мамлакатимизда пандемиянинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирига барҳам бериш ва юмшатиш борасида аниқ чора-тадбирлар кўрил-моқда. Жумладан, Инқирозга қарши жамғарма ташкил этилиб, коронавирусга қарши қурашиш, аҳоли ва корхоналарни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларга бюджетдан 16 триллион сўм-дан ортиқ маблаг йўналтирилди.

Кейинги таҳлиллар тармоқ ва ҳудудлар ўрта-сида ўзаро кооперация бўлмас экан, қўшилган қиймат занжирини ва янги индустриал тараққиёт-ни тасаввур ҳам қилиб бўлмаслигини кўрсатапти. Навоий тоғ-кон металлургия комбинати бош ди-ректори Қувондик САНАҚУЛОВ билан суҳбатимиз бу борада мавжуд имкониятларни ишга солиш, қўшилган қиймат яратиш қандай ўрин тутуши ҳа-қидаги мулоҳазалар билан бошланди.

▶ Давоми 4-бетда



НАМАНГАН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан алоҳида суҳбатлашди. Улар айтган таклифларни, бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаб, мутаассаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.

— Ёшларнинг кўзидан эртанги кунга ишонч кўрсам, очиги, ҳамма чарқоқларим чиқиб кетади! Мана шундай билимли, жонкуяр, изланувчан ёшлар ҳамма соҳаларда ўзгариш қилади. Биз уларга кенг йўл очиб, ҳар томонлама ёрдам беришимиз керак, — деди давлатимиз раҳбари.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессиясидан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Наманган шаҳрининг Бунёдор маҳалласини бориб кўрди.

Бу ердаги аҳвол маҳалла номига зид. Ичимлик суви йўқ, ички йўллар ёмон, атроф ободонлаштирилмаган. Маҳалла идорасининг ўзи ҳам хароб, бино орқасида чиқиндилар ётибди.

Давлат раҳбари маҳалла раиси ва маслаҳатчиси билан мулоқотда бўлди.

— Сизлар одамларни уюштиришингиз, бошқаларга ўрناк бўлишингиз керак. Шу маҳалланинг эгаси-ку сизлар! Мўмин-мусулмон-ку сизлар! Дарахт экса бўладими? Чиқиндини тозалатиб қўйса бўладими? Деворни оқласа бўладими? Шунга кўп нарса керакми? Биз маҳаллага шунча эътибор қаратяпмиз, катта ваколатлар беряпмиз. Бу ҳолатда қандай ислохотчи бўласизлар, одамларни қандай эргаштирасизлар, — дея саволлар қўйди Шавкат Мирзиёев.

Президент Наманган шаҳар ҳокими ва ушбу маҳаллага масъул сектор раҳбари бўлган шаҳар прокурорига ҳам танбёҳ берди.

— Баландровоз гаплар билан ҳисобот берасизлар. Қандай виждон билан лавозимда ўтирибсизлар?! Бу маҳаллада 12 минг одам ашайди. Аҳволни қаранглар, бу сизнинг юзингиз, — деди давлат раҳбари.

Шу ерга тўпаланган аҳоли билан ҳам мулоқот бўлди. Нурунийлардан бири маҳаллада ичимлик суви, табиий газ, ишлаб чиқариш корхонаси йўқлигини, йўллар таъмирга муҳтожлигини айтди.

— Мен шунинг учун келганман, — деди Президент.

Мутасаддиларга зарур муҳандислик тармоқларини тортиб, маҳалладаги шароитларни яхшилаш бўйича кўрсатма берилди.

Давлатимиз раҳбари Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйида бўлди. Шароитларни кўздан кечириб, бу ерда тарбияланаётган болалар билан суҳбатлашди.

— Сизлар ҳаммаларинг менинг фарзандларимсизлар. Ҳаёт жуда мураккаб. Шунинг билангларки, бугун оғир кунлар бўлсаям, Аллоҳ таолонинг ёруғ кунлари бор. Сизларнинг қийналганларинг, оилани эслашларинг, орзу-умидларинг ортида Худонинг марҳамати, эртанги қувонч бор. Бу дунёда ким бахтли бўлишини келажақ кўрсатади. Сизларнинг бахтли бўлишингиз учун ҳаётларингизга доимий асос яратишни ўйлаяпмиз. Бир марталик эмас, қонун жиҳатидан. Бу ерни тамомлагандан кейин уй билан таъминланиб, фаровон яшашингизни қонун билан ҳимояга оламиз. Тинчлик-осойишталикда сизларнинг бахтингизни қўриш насиб этсин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президент "Саховат" уйини ҳам бориб кўрди. Унинг биноси 1982 йилда қурилган.

— Менга Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бирдек қадрли. Бугун жуда оғир кун бўлди, кўп масалаларни муҳокама қилдик. Самолётга ўтириб, қайтиш олдидан кўнглимдан сизлар ўтдингиз. Шу муаммони ҳал қилмасдан кетаманми, деб ўйладим. Менга "Саховат" уйларига эҳтиёжи бўлган нурунийлардан жуда кўп хатлар келади. Шуларни инобатга олиб, ижтимоий ҳимояни қучайтирамиз. 4 ой ичيدا Наманган шаҳрида "Саховат" уйи учун янги бино қуриб берилади. Сизлар муносиб шароитларда ашайсиз, даволанасиз. Сизларга соғлиқ ва узоқ умр тилайман, — деди давлатимиз раҳбари.

Нурунийлар юртимизга тинчлик-фаровонлик тилаб дуолар қилди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига сафари якунига етди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ,
Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Нурилло НАСРИЕВ,
Ўза мухбирлари

Сиёсат



“ХОНАДОНБАЙ” ТИЗИМИ ОРҚАЛИ ҳар бир оилага кириб, аҳоли аҳволидан хабардор бўлиш имконияти пайдо бўляпти

Давлатимиз раҳбари ҳудудлардаги ҳақиқий аҳволни билиш, маҳаллалардаги шароитни, аввал қўйилган вазифалар ижросини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёни, ёшлар бандлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида Наманган вилоятига ташриф буюрди. Ташриф давомида ёшлар, маҳалла аҳолиси, соҳа ходимлари ва мутасаддилари билан суҳбатлашди, лойиҳалар тақдимоти билан танишди.

Камол АБДУЛЛАЕВ,
Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси раиси:

— Наманганда челлер ёнғоқ навини қўпайтириш ниятида-миз. Бу нав аслида АҚШ нинг Калифорния штатида яратилган бўлиб, бизнинг ер, иқлим ва шароитимизга мос келади. Қўлаверса, унинг маҳаллий навларга нисбатан бир канча афзаллик жиҳатлари мавжуд. Биринчидан, енгил ҳазм бўлади. Таркибида ёғ ва йод миқдори тенг. Жайдари ёнғоқларимизда эса ёғ ва йод миқдори нисбатан баландлиги боис, унчалик кўп тановул қила

олмаймиз. Аммо челлер навали ёнғоқни қанча есангиз ҳам меъдангизга тегмайди, енгил ҳазм бўлади, экспортбон. Хорижда нархи жайдари ёнғоқларимизникига қараганда икки баробар баланд. Ҳосилдорлиги ҳам юқори. Масалан, агар бир гектар жайдари ёнғоқдан икки, икки ярим тонна ҳосил олинса, челлер навиники камида олти тоннани ташкил этади. Бир гектар ердан йилига камида 7-8 минг АҚШ доллари миқдорида даромад олиш мумкин.

Илҳом ҲАЙДАРОВ,
“Ўзтўқимачисаноат” уюшмаси раиси:

— Президентимиз арзон ҳамда енгил корхоналар қуриш технологияларини нафақат Наманган вилояти, балки республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кенг тарғиб қилиш юзасидан топшириқ берди. Бунинг аҳамиятли жиҳати шундаки, корхона қурилишидан тежалган маблағлар энг замонавий технологияларни сотиб олиш

ва ишлатишга йўналтирилади. Агар замонавий технологиялар ўрнатсақ, энг аввало, энергия воситалари тежалади. Пировардида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизнинг сифати ошади, таннархи пасаяди, дунё бозорида рақобатлаша олади. Ана шундай йўл билан экспорт кўрсаткичларимизни оширишга эришамиз.

Азизбек БАҲОДИРОВ,
“Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари:

— 2023 йилнинг биринчи ярмигача вилоят бўйича жами 14 та цемент заводи ишга туширилиши режалаштирилган. Улар воситасида йилига қарийб тўрт ярим миллион тонна цемент ишлаб чиқарилади. Натижада биз нафақат Наманган, балки водий вилоятларини ҳам таъминлаб, қолган қисмини қўшни давлатларга экспорт қилиш имкониятига эга бўламиз. Наманган вилояти ҳудудининг геологик имкониятлари — хомашё

ресурслари кўп. Қурилиш материаллари учун қўлай ҳудуд ҳисобланади. Президентимиз ташрифи доирасида қурилиш материаллари саноати бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган 160 та лойиҳа тақдимотини ўтказдик. Бунинг натижасида вилоятда қарийб 9 мингта янги иш ўрни яратилади. Ушбу лойиҳалар, асосан, цемент, қурилиш ойнаси, пардозбоп тошлар ва керамика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

ЮРТИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

“ВОДИЙНИ ЭСЛАГАНДА КЎЗ ЁНГИМДА СИЗ ТУРАСИЗ”

Президентимиз Ўзбекистон Қаҳрамони Лолахон Муротованинг фидойилиги, ибрати, қаҳрамонона меҳнатини ана шундай эътироф этди

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва аввал берилган топшириқлар ижроси билан танишиш мақсадида шу йил 4 февраль куни Олтиариқдаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперацияси фаолияти билан танишиши давомида қаҳрамон опа билан суҳбатда: “Ҳар сафар хаёлимда, водийни эслаганда кўз ўнгимда сиз турасиз” дея унинг фидойилиги, ибрати, қаҳрамонона меҳнати билан аёлларга намуна бўлаётгани учун ҳурмат ва меҳр-мухаббатни чексизлигини алоҳида эътироф этди.

Бу каби ҳислатлар қаҳрамоннинг ҳаёт йўли, иш амалларида ҳамisha устувор.

Лолахон Муротовани таниганимга чорак асрдан ортқик вақт ўтди. Ёз ҳарорати забтига олиб турган бир паллада опа раҳбарлик қилаётган бригада даласига етиб келдик. Лолахон опа бир нимадан ҳафдаке кўринди. Лекин сир бой бермасдан бизни илиқ кутиб олди. Бир пилла чой устида кечган суҳбат табиий равишда ёз мавсумидаги дала юмушларига бориб тақалди.

— Бу ишларни деҳқоннинг ўзига қўйиб бериш керак, — деди бироз хунуби ошган қўйи. — Ташқаридан келиб ундоқ қилмаяпсан, бундоқ қилмайсан, деб ўргатишади. Балки бу ҳам кимгадир керакдир. Лекин ҳар бир ер, ҳудуднинг ўзига хос хусусиятини билмаган деҳқон ютқазида. Мана бу майдондаги ғўзаларга, — қўли билан дала шийпони рўпарасидаги майдонни ишора қилди.

— Сув тарамаяпсан деб хархаша қилишпти. Ахир бу майдонга ҳозир сув олинса, николлар говлаб кетади, ҳосилдорликка путур етади. Мен экинларнинг бутунги ҳолати сувга мойил эмас деб туриб олдим. Аччиқ қилиб кетишди. Худо хоҳласа, биринчи теримнинг ўзида 40 центнер ҳосил оламиз.

Орадан кўп вақт ўтмай, Лолахон опа билан тасодифан учрашиб қолдим ва дала шийпони олдидаги пахта пайкали ҳақидаги суҳбатни ёдига солдим.

— Мен ҳақ бўлиб қикдим, у ер, мен айтганимдан ҳам зиёда ҳосил берди, — дея юзларига самимий кулгу инганди.

Марказий Фарғона ерларида деҳқончилик қилаётган қаҳрамон даласида файзли, шукуҳли меҳнат ҳукмрон. Мўъжаз дала шийпонига опани йўқлаб келаётган каттаю кичикнинг қадами узилмайди. Қиш қиличининг дами бироз пасайгани боис, экин майдонларида дала юмушлари бошланиб кетган. Сув йўлларини тартибга келтириш, тозалаш, ерларга яхоб бериш амаллари экинлар ҳосилдорлигини оширишда муҳим ўрин тутди.

— Юртимизнинг юксак унвонини қўлга кириштиш қанчалик шарафли бўлса, унга муносиб тарзда иш олиб бориш катта масъулият юклайди, — дейди Лолахон опа. — Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ хўжалигига илм-фан ютуқлари, инновацион ғояларни жорий этилаётгани ютуқлар келтиряпти. Хўжалигимизда навлар танлаш, ҳашаротларга қарши курашиш, ҳосилдорлигини ошириш йўналишларида олимлар билан илмий тажрибалар йўлга қўйилгани эса иш унуми ва сифатини яхшилаш имкониятини бермоқда. 1983 йилда бу ерга ишга келганимни жуда яхши эслайман. Дастлабки кўни барча пайкаларни айланиб чиққач, ййлаганман. Чунки экин майдонларининг мелиоратив ҳолати, қум, шўр ерларда пахта етиштириш осон иш эмаслигини англаб етгандим. Сал шамол турса бас, барча майдон қум билан қопланарди. Ҳаммаси қўл силтаб, орта чекинишга ҳам йўл йўқ эди. Лекин барчасига чидашга, берилган имкониятдан унумли фойдаланиш, ишончини оқлашга ҳаракат қилдим. Атрофимга деҳқончилик ботида илгор иш тажрибаларига эга фидойи кишилар, ёшларни жамладим.

Ушанда илк бор жавдар экиб, майсага айланганда, шудорлаб, пешма-пеш чигит қадаш тажрибасини амалиётда қўллаганимиз. Шунингдек, шўр майдонларга соз тупоқ ташиб, пол олиш усулида яхоб суви бериб, ерларнинг унумдорлигини оширдик. Шамолга қарши минглаб гектар иҳтозорлар ташкил қилдик. Қувонарлиси, меҳнатларимиз бесамар кетмади, қум ерларда ҳам юқори ҳосил олиш имконияти борлигини

амалда кўрсатиб бердик. Чўлда меҳнат қилиш мени ҳар жиҳатдан чинқирди, деҳқончиликда малака, маҳоратимни оширди.

Лола Муротова ер қизи, дала маликаси. У эсини танибдики, далага таппинади. Она ерга меҳр бериб, ундан далда, куч-қувват, янги ташаббусларга рағбат олади.

Марказий Фарғонанинг деҳқончилик учун нуқулдай қумлоқ ерларида, устига-устак Қўқон шамоли кўз очирмайди, навларга яхоб бериш амаллари юқори ҳосил олишга ўз-ўзидан эришилмайди. Фарғонада ҳақли равишда пахтачилик ва галлачилик илми профессори сифатида эътироф этиладиган Лолахон Муротова чин маънода ер билан сирлашади, диллашади. Отаси Нёзматжон Муротов (Аллоҳ раҳматига олсин)га эргашиб, шу қадрдон далаларга келганида Лолахон 16 ёшлардаги қизалоқ эди. Звено аъзоси, сувчи, табелчи, тракторчи, механизаторликдан бригадир, бўлим бошлиғи, жамоа хўжалиги раҳбаригача бўлган йўлни мардонавор босиб ўтган опа бугун туман, вилоят, республикада машҳур фермер мақомига эришди. Биргина 2020 йилда фермер хўжалиги аъзолари 347 гектар ерда парваришланган галланинг ҳар гектарида режадаги 46 центнер ўрнига 70 центнердан ортқик ҳосил олишга эришди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик аввалги йилга нисбатан 20 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Техникани деҳқон қанотига менгашади. Бу пурҳикмат нақлга амал қилиб меҳнат қилинаётган фермер хўжалигида моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ишчи-хизматчилар учун қўлай маданий, маиший шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Айниқса, фермер хўжалигининг автосаройига қўпнинг ҳаваси келади. 2 та “Класс Орион” комбайни, 3 та “Беларусь” техника воситаси, 2 та транспорт трактори, 1 та экинларни минерал ўғитлар билан озиклантиришга иҳтисослашган техника, “Дамас”, “Нексия”лар...

Муҳташам шийпонда эса мўъжазгина боғ, шинам айвонлар, ошхона, ҳаммом, хуллас, замонавий барча шароитлар



муҳайё этилган. Айни пайтда фермер хўжалигида 110 дан зиёд муҳим иш ўрни яратилган.

Чўл ҳавоси тафти ўзгача бўлади. Озгина эътиборсизлик, лоқайдлик сабаб йилни ютқазиб қўйиш мумкин. Лола опа чўл ва ер тафтини ҳис қилиб яшаётгани боис, меҳнатининг роҳати, самарасини кўради, кўлга ибрат бўла олади.

У нафақат моҳир фермер, балки “Тадбиркор аёл” уюшмаси вилоят бўлими фаоли, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати сифатида ҳар жабҳада ташаббускор. Ёшлар билан учрашув ва суҳбатларда уларни фермерлик ва тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга, маънавий-маърифий ислохотлар самарасини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бу борада “Нури обод” фермер хўжалигида ўзига хос тажриба мактаби мавжуд.

Ёш фермерлар йўл-йўриқ олиш учун опанинг ҳузурига тез-тез келиб туради. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги олимларнинг илмий тажрибаларини амалга оширишга бажонидил қўмақлашади.

— Опамиз маҳалламиздаги камтар, лекин том маънодаги жонкуяр инсонлардан, — дейди “Қапчуғай” маҳалла фуқаролар ййғини раиси Баҳодир Матсаев. — Биз у киши билан ҳақли равишда фахрланамиз. Айниқса, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда амалга оширилаётган ишларда қаҳрамон опамиз томонидан кўрсатилаётган ёрдамларни ҳар қанча мактасак камлик қилади. Лолахон опа аҳоли фаровонлиги, ҳудудларда амалга оширилаётган ишларга қўшаётган ҳиссасини таъкидлашни ёқтирмайди. Опа саховати, меҳр-мухаббатидан

миннатдор бўлган маҳалладошларимиз жуда кўп.

“Нури обод” фермер хўжалиги дала шийпони атрофидаги мўъжазгина боғ, унга туташ шарқона айвонда меҳмонлар учун ораста жой ҳозирланган. Водий қадриятларига ҳамоҳанг иссиқ кўк чой, тандирда ёпилган нон, мевалар, полиз маҳсулотлари файзли дастурхон кўрки. Бу нозу неъматлар қадок қўлли фермер даласида пишиб етилган ҳосилдан. Фермер опа билан икки оғиз суҳбатлашсангиз, ўзингиз учун янги бир дунёни кашф этасиз. Унинг нурдай покиза қалби, беғубор орзу-мақсадлари, содда ва самимий ҳаёт тарзи замонамиз қаҳрамонининг амалий ишлари, босиб ўтган ҳаёт йўлларини шундоқ кўрсатиб туради.

Расулжон КАМОЛОВ,
журналист

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



КЛАСТЕР —

ривожланиш ва фаровонлик сари йўл



Усмонали НОРМАТОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

2019 ЙИЛНИНГ ОХИРЛАРИДА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН “ИНДЕНИМ КЛАСТЕР” МЧЖ ЖАМОАСИ ТЕРМИЗ ШАХРИДА “ZIF TEXTILE” КОРХОНАСИНИ ОЧИБ, ДАСТЛАБ ВИЛОЯТ МАРКАЗИ ҲАМДА ТЕРМИЗ ТУМАНИДА ЯШОВЧИ 500 НАФАР ХОТИН-ҚИЗНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАДИ.

Хитой ва Туркиядан келтирилган умумий қиймати 10 миллион АҚШ доллариға тенг замонавий технология билан жиҳозланган корхонада болалар трикотаж кийим-кечаклари тайёрланяпти. Корхонада устоз-шогирд анъанаси йўлга қўйилгани боис, қисқа фурсатда моҳир ва тажрибали тикувчилар сафи кенгайди. Бугун бу ерда меҳнат қилаётган 1 200 нафар хотин-қиз болалар, катталар ва аёлларга мўлжалланган 180 турдаги трикотаж буюмлари тайёрляпти. Сифатли, бежирим ва хариддоргир буюмлар Термиз шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Инденим” супермаркети ҳамда республика ҳудудларида очилган шу турдаги 34 та дўкон расталарида сотилмоқда.

Деҳқонларнинг турмушини фаровонлаштиришда ҳам меҳнатни ташкил этишнинг кластер усули ўзининг самарасини берапти. Жумладан, “Инденим кластер” МЧЖ ўтган йилги пахтачиликда яхшигина муваффақиятга эришди. Термиз туманида 2 216 гектар майдонда ғўза ўстирган фермер хўжаликлари билан фьючерс шартномаси асосида фаолият юртиди. Деҳқонларга ҳар томонлама қўмаклашилди ва етиштирилган 6 042 тонна пахта хомашёси кластер таркибидеги “Музработ пахта” МЧЖ цехларида қайта ишланди. Хомашёни қайта ишлаш ҳисобига 3 323 тонна чигит биржа савдолари орқали сотилди. 2 100 тонна толадан Термиз шаҳридаги “Amudaryo textile” ҳамда Жарқўрган туманидаги “Nor textile” МЧЖ корхоналарида 1 850 тонна қалава-ип тайёрланди. Пахта чигитини сотишдан қўрилган 9 миллиард сўм ва хомашё толасидан тайёрланган қалава-ип экспортдан тушган 3,6 миллион долларнинг бир қисми кластер таркибидеги “Amudaryo textile” ҳамда “Nor textile” МЧЖ корхоналарида бандлиги таъминланган 1100 нафар ишчининг турмушини фаровонлаштиришга сарфланмоқда.

Вилоятнинг Музработ ва Шўрчи туманлари далаларида охириги йилларда ҳосилдорлик пасайиб, пахта етиштириш салмоғи камайган. Айнан шу сабаб ушбу туманлар деҳқонлариға кластер бириктирилди. Жорий йилда “Инденим кластер”

МЧЖ ҳар икки туманда 14,1 минг, Термиз туманида эса 2,3 минг, жами 16,4 минг гектар майдонда ғўза ўстирувчи фермер хўжаликлари билан фьючерс шартномаси асосида иш юритади. Кластер билан шартнома тузган фермер хўжаликлари аъзолари айни пайтда далаларини баҳорги чигит экишга пухта тайёрляпти. “Инденим кластер” МЧЖ эса йил давомида деҳқонларни техника, сифатли уруғликлар, ўғит ва ёқилғимойлаш материаллари билан таъминлайди, ҳар бир контурдаги далада юқори ҳосил етиштирилишини назорат қилади.

— Кластеримиз тасарруфидеги “ZIF textile” корхонасида меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда хотин-қизлар бажараётган ишлариға яраша рағбатлантириляпти. Уларға иссиқ овқат берилади, ишга келиб-кейтишлари учун автобуслар ажратилган. Жорий йилда кластер таркибидеги барча тармоқларда ишчи-хизматчилар сони беш минг нафарға етади, — дейди кластер раҳбари Мансур Ўташев. — Айниқса, кластеримиз билан фьючерс шартномаси асосида ишлайдиган фермер хўжаликларига қўлай шароит яратиш, уларнинг манфаатдорлигини ошириб, пахта етиштириш салмоғини 50 минг тоннаға етказишни ният қилганмиз. Шу ўринда бир гапни айтиб ўтишга тўғри келади. Бугун “ZIF textile” корхонамиз цехларида тайёрланаётган трикотаж буюмлари матоси бошқа вилоятлардан харид қилиняпти. 2022 йилгача кластеримиз таркибидеги трикотаж матолар тайёрланадиган корхона ҳам барпо этилади. Бу эса келгусида иш ўринлари янада қўлай-йишидан далолат.

Дарвоқе, Сурхондарё вилоятидаги кластер усули жорий этилаётган соҳаларда ўзгаришлар бўлаётгани ҳаммага аён. Шубҳасиз, “Инденим кластер” МЧЖ билан бу йил фьючерс шартномаси асосида ишлайдиган Музработ ва Шўрчи туманлари деҳқонлари ҳам далаларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ҳосилдорлиқни ошириш ҳисобига анчадан бери қоқоқликка юз тутган пахтачиликда юқори натижаларға эришишни режалаштирган. Бу эзгу оруз, албатта, ушалади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИ

жамият ва давлат тараққиётиға мустаҳкам пойдевор яратади

Баҳор ХИДИРОВА, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимизнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида мамлакатимиздаги ислохотлар самарасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этиши учун қабул қилинаётган ҳужжатлар ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлаш бугунги кундаги муҳим вазифа экани алоҳида қайд этилди.

Юртимизда сўнгги 4 йилда барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришларни амалга ошириш бўйича 150 та қонун, 2 мингта яқин фармон ва қарор қабул қилинди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ҳалқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, жамият тараққиётини юксалтиришга ҳизмат қилаётгани билан аҳамиятлйдир. Бироқ уларнинг барчаси ҳудудларда ва ташкилотларда талаб даражасида ижро этиляпти, дейиш мушкул.

Президентимизнинг жорий йил 10 февралда қабул қилинган “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони мазкур камчиликларни бартараф этиш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Фармонда қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар лойиҳаларини пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни таъминлаш, улар қабул қилинган, ижросини самарали ташкил этиш ва мониторинг қилишнинг таъсирчан тизимини яратиш бўйича устувор вазифалар белгиланди. Шунингдек, унда Президентимизнинг Мурожаатномаси, фармон ва қарорлар, тармоқ ва ҳудудий ривожланиш дастурларида белгиланган мақсадларға эришишни сўзсиз таъминлаш бўйича Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқаруви органлари раҳбарлари ҳамда барча даражалардаги ҳокимларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш чора-тадбирлари ўз ифодасини топган.

Эндиликда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни пухта ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг таъсирчан амалиётини шакллантириш, уларни аниқ ижроқилар, кенг жамоатчилик ва аҳолиға тезкор етказиш, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, жорий, ўрта муддатли ва истиқболдаги вазифаларни самарали амалга ошириш бўйича шошилинч ҳамда тезкор чоралар қўриш мақсадида Президент Администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Адлия вазирлигининг ташкилий, ижро ва назорат фаолиятининг ягона тизими жорий этилди.

— Дарҳақиқат, амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлиги, аввало, ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган чора-тадбирларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишиға боғлиқ, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтабар Хусанова. — Бу борада Олий Мажлис палаталарининг ҳам ўрни ва роли муҳимдир. Фуқароларнинг соҳалардаги ўзгаришлар юзасидан тақлим ва муносабатларини эшитиш ва муҳокама қилиш, ислохотларнинг жойлардаги ижросини таҳлил қилиб бориш, унинг кенг жамоатчиликка етказилиши таъминлаш, натижалар бўйича келгусида қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан вазифалар белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Фармонда қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг пухта иқтисодий, молиявий ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши белгилангани парламент фаолиятида қўмиталар ҳузурида қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишга қўмаклашувчи экспертлар гуруҳлари



фаолиятининг аҳамиятини оширади ва, ўз навбатида, қабул қилинадиган қонунларнинг ҳалқчиллиги ва ҳаётйиллигини таъминлашга ҳизмат қилади.

Қолаверса, фармондан давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириш бўйича жавобгарлик белгиланган, давлат органларидан тегишли ҳужжатлар ижроси юзасидан маълумотларни сўраб олиш, ижро таъминланмаган бўлса, унинг чораларини қўриш бўйича огоҳлантириш ва кўрсатмалар қиритиш масалалари ҳам ўрин олган. Бунинг учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ҳамда “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунга ўзгаришлар киритилади. Бундан мақсад мансабдор шахсларнинг қонунлар ижроси бўйича жавобгарлиги ва масъулиятини янада ошириш, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш механизмини такомиллаштиришдир.

Фармонда, шунингдек, Олий Мажлис палаталарига қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг ижро ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини, шу жумладан, ислохотларнинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини жойларға чиққан ҳолда ўрганиш, уларнинг натижадорлигини таъминлаш бўйича парламент назоратини тизимли ташкил этиш тавсия этилди.

Фармон билан қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш юзасидан, шу жумладан, Ҳисоб палатаси билан биргаликда соҳалар, ҳудудлар ва идоралар кесимида манзилли ҳамда тематик таҳлилий ўрганишлар ўтказиш, жойлардаги ҳолат мониторингини қиритиш Адлия вазирлигиға юклатилди.

— Президентимизнинг фармони билан Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқарма ва бўлимлариға бу борада зарур ваколат ва ресурслар берилди, — дейди адлия вазири Русланбек Давлетов. — Эндиликда Президент ҳужжатлари ижроси бўйича бутунлай янги тизим яратилади. Жумладан, тўрт босқичдан иборат самарали ижро тизимини жорий қилиш тақлим қилинмоқда. Бунда, аввало, ижро лойиҳа давридаёқ режалаштирилади. Яъни ҳужжатлар лойиҳаларининг реал имкониятлари ва бажарилмаслиги хавфи чуқур таҳлил қилинади. Хусусан, вазифаларнинг қўлами, муддати ва мураккаблигининг ташкилотлар имкониятлариға мослиги, зарур молиявий ресурслар микдори ва қаролатланган манбалар мавжудлиги, иқтисодий-ижтимоий инфратузилма тайёрлигиға эътибор қаратилади. Шу билан бирга, топшириқлар ижросини ташкил этиш ва ижроға қўмаклашишга адлия органларининг барча ресурслари сафарбар этилади.

Бундан ташқари, ҳокимлар ва раҳбар лавозимига тайинланганлар ижро масалалари бўйича ҳафталик янги дастур асосида ўқитилади. Қабул қилинган ҳар бир ҳужжатнинг моҳияти давлат органлариға, шунингдек,

“маҳаллабай” тамойили асосида аҳолиға етказилади ва топшириқлар ижросини баҳолаш тизими жорий этилади.

Белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш мақсадида мавжуд штатлар мақбуллаштирилиши ҳисобига Адлия вазирлиги марказий аппарати тузилмасида 15 та штат бирлигиға эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари ижросини назорат қилиш бошқармаси ҳам мазкур бошқарманинг 28 та штат бирлигидан иборат ҳудудий бўлимлари ташкил этилди.

Маълумотларға кўра, 2020 йил давомида электрон тизим орқали вазирлик ва идоралар томонидан топшириқларни назоратдан олиш юзасидан киритилган ахборотлар ўрганилганида уларнинг 31 фоизи, яъни қарийб учдан бирида топшириқ ижроси тўлиқ таъминланмагани аниқланган. Бундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида 2021 йил 1 майдан бошлаб барча давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ижронинг назорат қилиш, назорат картотекаларини қиритиш ва ҳисоботларни шакллантириш фақат “jro.gov.uz” тизимида амалга оширилади. Бу билан бошқа ҳар қандай назорат дастурлари, ҳисоботлари ва базаларини қиритиш бекор қилинади.

“jro.gov.uz” тизими орқали бевосита ваколатли давлат органлари томонидан ҳудудлар, тармоқлар ва ташкилотларда Президент ҳужжатлари ижроси бўйича бажарилаётган ишлар назорат қилиб борилади. Адлия вазирлиги амалга оширилган ишлар, киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганади. Агар зарурат бўлса, ушбу топшириқларнинг бевосита бажарилгани ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади. Бундан буён ушбу тизимнинг қамрови кенгайиб бораверади. Ҳудудий давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг туман тузилмаларига ушбу тизимға уланиши чора-тадбирлари қўрилади.

Ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар тўла рўёбға чиқишида давлат томонидан назорат тадбирларини қиритиш баробарида бу жараёнда жамоатчилик иштирокчини кенгайтириш бугунги куннинг муҳим талабидир. Фармонда бу йўналишдаги вазифалар ҳам ўз аксини топган. Жумладан, жойлардаги ҳолат мониторингини қиритиш баробарида жамоатчилик назорати воситаларидан кенг фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган ишларни изчил ёриштириш топширилган.

Бу эзгу ишлардан мақсад шуки, қонун, фармон ва қарорлар эл фаровонлигини қўзғаб қабул қилинган экан, унда ақ этган ҳар бир ўзгариш ва янгиликлар, албатта, рўёбға чиқиши лозим. Шундагина ислохотлар натижасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этади, ҳалқимиз давлатимиздан рози бўлади.

ҲУДУДЛАР ҲАЁТИ

КАСАБА УЮШМА КЎМАГИ

туфайли бешариқлик 300 нафар хотин-қиз ишли бўлди

Жамшид ЭРГАШЕВ, журналист

Бугун касаба уюшмалари томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, энг асосийси, доимий даромадға эга бўлмаган аёлларнинг бандлигини таъминлаш бўйича пухта режалар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Яқинда Фаргона вилоятининг Бешариқ туманида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ажратган 1 миллиард сўм маблағ эвазига “KORK” тикувчилик фабрикаси ишга тушди. “Sherwood Design” корхонаси эса касаба уюшмалари ажратган маблағға фабрикаға хориждан 84 донга замонавий тикув машинаси, дазмол, тикув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатди. Бугун ушбу тикувчилик фабрикасида “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”ға кирган 200 нафар бешариқлик хотин-қиз иш билан банд.

— Фабрикамизда катталар ва болалар учун кийимлар тикилади. Маҳсулотларимизнинг асосий қисми экспортга мўлжалланган, — дейди корхона иш юртувчиси Фуқрат Турсунов. — Иш икки сме-нада ташкил этилган бўлиб, ишчи-ҳодимлар учун барча шарт-шароит яратилган.

Корхонанинг ишга тушуши “Аёллар дафтари”да турувчи Махлиё Холматовани ҳам беҳад қувонтирди. У бугун мана шундай замонавий корхонада иш бошлаганидан бағоят хурсанд. — Шу кунгача тайинли иш топа



олмай уйда ўтирган эдим, — дейди Махлиё. — Бундан ҳамаси бир ойча аввал хонадонимизға касаба уюшмаларидан вакиллар келиб, муаммоларимизни ўрганиб кетди.

Ўшанда ишсизлигимни айтгандим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай улар мени ишга тақлим қилди. Бугун корхонаға тикувчи бўлиб ишга кирдим. Бундан ота-онам ҳам жуда хурсанд.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ажратилган маблағ эвазига туманнинг “Ворух-Дашт” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Ади́робод ғўнчалари” ишлаб чиқариш кооперацияси ҳам ташкил этилди.


Кооперация учун ажратилган 20 гектар ер майдони “Аёллар дафтари”ға киритилган 100 нафар хотин-қизға 20 сотихдан бўлиб берилди.

Сув муаммоси сабаб анча йиллардан буён фойдаланилмаётган ерни обод қилиш учун анча тер тўкишга тўғри келди. Майдон текисланиб, шудгор қилинди, қудуқ қазилиб, сув чиқарилди.

Ер эгаларининг оилавий шароитини яхши билган касаба уюшмалари мева қўчатларини ҳам бепул тарқатди. Ҳозир бу ерға ўрик ва бодом қўчатлари экилиб, қатор оралари дуқакли экинлар экиш учун тайёр ҳолға келтирилди.

— Кунлик ишларға чиқиб, рўзгор тебратардим. Аёл бошим билан пул топиш учун ҳатто Жиззах, Тошкент

вилоятлариға бориб ишлаб келишим-ға тўғри келарди, — дейди туманнинг “Янгиқўрган” маҳалласида яшовчи Солияхон Ибрагимов. — Оиламиздаги ҳолатдан яхши хабардор бўлган касаба уюшма вакиллари менға ҳам 20 сотих ер ажратиб берди. Ерга бодом ва ўрик қўчатларини эдиким, унда ақ этган ҳар бир ўзгариш ва янгиликлар, албатта, рўёбға чиқиши лозим. Шундагина ислохотлар натижасини ҳар бир инсон ўз ҳаётида ҳис этади, ҳалқимиз давлатимиздан рози бўлади.



ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

УЛКАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЛАСТЕРИ

Бошланиши 1-бетда

— Пандемия давлатлар ва корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқаларга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти, — дейди Қувондиқ Санақулов. — Бундай вазиятда маҳаллийлаштириш ва саноат кооперациясига алоҳида эътибор берилиши, шубҳасиз, юксалишининг яна бир стратегик йўли ҳисобланади.

Навоий кон-металлургия комбинати маҳаллийлаштирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича республиканинг энг йирик корхоналаридан биридир. 2020-2021 йилларга мўлжалланган маҳаллийлаштириш дастури комбинатда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳажмини 3,3 баробар кўпайтириш орқали импортни 76,2 миллион АҚШ доллари қисқартириш имконини беради. Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида илгари сўрилган ҳар бир гога, белгилаб берилган вазифалар инсон манфаати ва соҳалар ривожига қаратилгани билан аҳамиятли. Жумладан, 2021 йилда иккита янги гидрометаллургия заводини тўла ишга туширишимиз зарур.

Ушбу корхоналарни барпо этиш комбинатни 2026 йилгача ривожлантириш бўйича 2017 йилда давлатимиз раҳбари томонидан тасдиқланган дастурга киритилган эди. Утган вақт мобайнида 1,7 миллиард долларлик маблағ ўзлаштирилиб, 10 та иншоотни фойдаланишга топширилди. Бунинг натижасида комбинатда олтин ишлаб чиқариш ҳажми 10 фоиз, қумуш 45 фоиз ошди.

Кейинги пайтда жамоада илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга интеграциялаш, инновацион лойиҳаларни кенг татбиқ этиш, техник тежамкор ечимларни, ноёб технологияларни амалиётга жорий этиш фаолиятимизнинг таркибий қисмига айланди. Бунинг натижасида нафақат маҳсулот таннархини пайсаятиришга, балки юқори самарадорликка ҳам эришилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ресурсларни тежаш, маблағларни иқтисод қилиш имконини берапти. Мисол учун, 2020 йилда қўрилган чора-тадбирлар эвазига маҳсулотлар таннархини 784,5 миллиард сўмга ёки 6,5 фоиз камайтиришга эришилди.

Комбинат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган истиқболли лойиҳалардан бири — қиймати 247,6 миллион АҚШ доллари бўлган 7-гидрометаллургия заводи. 2020 йилда мазкур лойиҳа бўйича маъданни қайта ишлашга ихтисослашган 2 та ишлаб чиқариш блокти муддатидан анча олдин фойдаланишга топширилди. Завод қурилишида қўлланаётган асосий технология ўқсуналар чет элдан сотиб олинмасдан, ўзимизнинг машинасозлик корхонамизда ишлаб чиқарилиши туфайли 56 миллион долларга яқин маблағ тежаб қолинди.

Мазкур заводнинг устуниги шундаки, унда таркибида олтин кам бўлган, олдин ишланган ва захирага чиқарилган маъданни энг мураккаб жараёнлар орқали, яъни кислотали ишқорда яна қайта ишлаб, маҳсулот олинади. Қайта ишлаш жараёнида фақат маҳаллий кимё маҳсулотлари ишлатилади, бу эса маҳсулот таннархини янада арзонлаштиради. Ушбу завод тўла қувват билан ишга туширилгандан сўнг йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндини қайта ишлаш ва 7,5 тонна қўшимча олтин ишлаб чиқариш, муҳими, 1 200 га яқин янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Муҳим лойиҳалардан яна бири — 5-гидрометаллургия заводини барпо этиш ишлари давом этяпти. Бугун бу ер чинакам ва ўқсуналар бунёдкорлик майдониغا айланган. Тез орада унинг йилга 2 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қувватига эга 1-ишлаб чиқариш блокни муддатидан олдин фойдаланишга топширишни ният қилганимиз.

Мазкур лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, заводда дунёда ўқсунали бўлмаган мутлақо янги, яъни кислотадан оқсидлаш асосида олтин ажрати олиш технологияси қўлланилади. Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилиши ва масофадан бошқарув тизими ўрнатилади.

“Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли соғломатлигини мустаҳкамлаш йили” давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш бўйича 113 та чора-тадбир белгиланган. Бунда энг катта эътибор янги иш ўринлари ташкил этишга қаратилган. Биргина гидрометаллургия за-

водининг тўлиқ ишлаб бошлаши билан янги иш ўринлари сони 4,1 мингга етади. Табиийки, инновацион технологиялар асосида ишлайдиган қувватларнинг аксар қисmini ёшлар бошқаради. Уларнинг изланиш-интилишлари туфайли ҳар йили 5 миллион тонна маъданни қайта ишлаш имконияти пайдо бўлади.

Бундан ташқари, “Ауминзо-Амантой” саноат майдонида замонавий ишчилар шахарчаси барпо этиляпти. Бир ярим минг кишига мўлжалланган мазкур шахарча ҳудудида ёш муҳандис-техник ходимлар учун турар жойлар, барча қўлайликларга эга 14 та ётоқхона, тиббий пункт, дорихона, ошхона, спорт мажмуаси, кичик футбол майдончаси, автобوس ва енгил машиналар учун тураргоҳлар фойдаланишга топширилди.

Умуман олганда, давр бошқа тармоклар катори кон-металлургия соҳасида ҳам кенг тафаккур ва чуқур билимга эга ёшлар сафини янада кенгайтиришни талаб этмоқда. Биз бу вазифани ижобий ҳал этиб бораёلمиз. Комбинатнинг бугунги ютуқларида ёшларнинг ўрни катта бўлмоқда. Жамоамизнинг ўртача ёши 37 да. Раҳбар ва мутахассислар орасида 30 ёшгача бўлганларнинг улуши 32 фоизга тўғри келади. Комбинат раҳбарияти ҳеч иккиланмасдан йирик завод ва корхоналар бошқарувини иқтидорли, креатив фикрлайдиган, шижоатли ёшларга ишончи топширмоқда. Улардаги қатъият, билим ва ғайратни қўриб, ҳавасингиз келади!

— Комбинатда қўллаб йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Яқин вақтгача уларни жорий этиш учун зарур бўлган мураккаб техника ва ўқсуналарнинг кўп қисми четдан олиб келинади. Бунга катта миқдорда валюта сарфланган. Ҳозирги пайтда валютани тежаш борасида қандай лойиҳалар амалга ошириляпти ва улар қандай самара берапти?

— Тажрибали мутахассисларимизнинг ноёб истеъдоди ва изланишлари туфайли қўллаб йўналишларда салмоқли натижаларга эришилляпти. Қарийб уч йил олдин ишга туширилган Тахиятош металл конструкциялар заводи бунинг аjoyиб мисоли. Мазкур заводнинг йиллик қуввати бугунги кунда 35 миллиард сўмлик маррани орта қолдираётти. Ҳусусан, 5-гидрометаллургия заводнинг инвестиция лойиҳаси учун 2,1х3 метр ўлчамли тўлиқ жиҳозланган шарли тегирмон, технологик сиймилли қоритиригич, бошоққо, ёйли, барабанли ва инерцияли майдалаш қурилмалари тайёрланди.

Завод мураккаб тизимли дастгоҳларни ҳам ишлаб чиқаради. Улар мамлакатимиз ички талабларини қондириш баробарида бошқа давлатларга экспорт қилинмоқда.

Комбинат ишлаб чиқаришни автоматлаштириш бошқармасининг кучи билан 7-гидрометаллургия заводига бу йўналишга доир ишларни тўлиқ бажариш режалаштирилган. Бунинг натижасида 300 минг АҚШ доллари миқдоридан валюта иқтисод қилинади. Шунингдек, инвестиция дастури доирасида электр тақсимлаш ва бошқаришда фойдаланиладиган 800 дан ортиқ шкаф ҳамда импорт ўрнини босувчи бошқа янги турдаги маҳсулотлар ҳам ўзимизда тайёрланапти.

Пандемия шароитида комбинат томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга импорт ўрнини босувчи 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ва хизматлар тақдир этилиб, улар Электрон кооперацияси порталига жойлаштириб келиняпти. Бу борадаги ишларни янада кенгайтириш, биринчидан, валютани тежашди, иккинчидан, маҳсулот етказиб берувчиларнинг янгида-янги маҳсулотларни ўзлаштиришига имкон яратяпти, учинчидан, янги инновацион ишланмалар жорий этилади, тўртинчидан, янги иш ўринлари ва даромад манбаи қўпаяди.

Ҳозирги кунда “Навоийазот” АЖда праестол флюклянти, “Carbide Imprex” МЧЖда ферроқотилшмалар, “Ihtas Elektrik” МЧЖда графитланган электродлар, “Navpromlitmash” МЧЖда технологик гальвирлар, “SDK Group And” ХКда фильтрлаш элементларининг янги турларини маҳаллийлаштириш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Комбинат экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқариш корхоналарининг маҳсулотларимизга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бирга, уларни хорижий корхоналарга етказиб бериш бўйича ҳам амалий ишлар давом этяпти. Хитойнинг “ARMET International Limited” компанияси билан тузилган шартномага асосан, мустаҳкам оқ чўндан тайёрланган насосларнинг эҳтиёт қисмлари етказиб берилди. Шунингдек, Беларусь Республикасининг “Гомель станок узеллари заводи” АЖ билан 1М63 моделдаги дастгоҳ учун зарур маҳсулотлар жўнатиляпти.

— Комбинат эришяётган ютуқларнинг асосий омилни нимада? Зеро, бу жараёнда ўзгарувчан бозор талаби ҳар бир корхонанинг инновацияларга асосланган ривожланиш стратегиясига эга бўлишни таъқозо этади.

— Президентимиз фармони ва қарорига асосан, комбинатнинг 2026 йилга қадар олтин ва уран каби қимматбаҳо металлларни қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтириш учун етарли шарт-шароит яратиш им-

лоийҳаларни доимий равишда жорий этиш орқали ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эришиляётган муваффақиятларимиз кафолати бўлади.

Комбинатимиз ўз соҳасининг етуқ билимдонлари бўлган илмий тадқиқотчи ва малакали муҳандис кадрларга эга. Корхонада меҳнат қилаётган 10 минг нафардан ортиқ олий маълумотли мутахассиснинг 8 нафари фан доктори ва 25 нафари фан номзодидир. Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси, Марказий конструкторлик ва лойиҳалаштириш бюроси, Шимолий кон бошқармасининг физик-кимёвий, 2 ва 3-гидрометаллургия заводларининг лабораторияларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Комбинат мутахассисларининг кейинги йиллардаги муваффақиятли инновацион лойиҳаларидан бири 3-гидрометаллургия заводига сорбциялаш жараёни чиқиндиларини юқори самарали қўйдириш технологиясига асосланган янги мажмуанинг ишга туширилиши бўлди. Бу технологиянинг жорий этилиши натижасида хомашёдан олтин ажрати олиш даражаси 8 фоиз, қимматбаҳо металл ишлаб чиқариш 11 фоиз ошди. Аникроқ айтганда, сульфидли маъданларни қайта ишлаш жараёнида чиқиндида чиқиб кетадиган металл микдорини икки баравардан кўпроққа камайтиришга эришилди.

Бу муваффақият қандай юзага келди? Албатта, янги инновацион ёндашув



эвазига. Мутахассисларимизнинг “Таркибида олтин бўлган, қайта ишланиши қийин сульфидли маъданлардан олтин ажрати олиш усули” мавзусидаги илмий изланишлари натижасида Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигиндан патент олинди. Мазкур ихтиро БМТнинг Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан тан олинди, олтин медали билан тақдирланди. Бу технологик жараёни амалга оширадиган жиҳоз ва ўқсуналар учун “Engineering dobersek GmbH” компанияси мутахассислари билан биргаликда Германияда халқаро патент олинди. Мазкур технологиянинг 3-гидрометаллургия заводига татбиқ этилиши олтин ажрати олиш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

— Ўзбекистон Президентини раислигида 2020 йилнинг 3 декабри куни илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида олий таълим муассасалари, илмий ташкилотлар, тармок ва ҳудудлар олдидаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеолектор йиғилишида Навоий кон-металлургия комбинатида йиғилиб қолган бир неча миллиард тонна техноген чиқиндини қайта ишлаб, қўшимча олтин, қумуш каби қимматбаҳо металллар олиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу вазифани бажариш борасида қандай ишлар қилиняпти?

— Бугунги кунда дунёда техноген чиқиндиларни қайта ишлаш муаммолари

долзарб. Биринчидан, улар экологияга катта зарар етказяди. Иккинчидан, хомашё камайиб бораёттир. Учунчидан, хомашё таркибидаги қимматбаҳо металлларни тўлиқроқ ажрати олиш қувватларни узок вақт банд этишга ёрдам беради. Мутахассисларимиз олимлар билан ҳамкорликда мазкур муаммолар ечимни бўйича янги технологияларни яратишга муваффақ бўлди.

Уюмдан эритмага ўтказиш цехи ҳудудида ҳар тоннасида 0,6 грамм олтин бўлган 300 миллион тоннадан кўпроқ техноген чиқинди тўпланиб қолган эди. Комбинат томонидан уларни қайта ишлаш бўйича дунё амалиётда бўлмаган, ноёб инвестицион лойиҳа қўра, йилга 15 миллион тонна техноген чиқиндини қайта ишлаш қувватига эга 7-гидрометаллургия заводи барпо этилмоқда. 2020 йилда заводнинг муддатидан олдин ишга туширилган 4 та тегирмонда 10 миллион тонна маъдан қайта ишланди. 2021 йилда завод тўлиқ қувватга эришгандан сўнг йилга 7,5 тонна олтин олинади. Мазкур ҳудудда тўпланиб қолган чиқиндини 20 йил давомида қайта ишланиши натижасида қанча нодир металл олиншини ҳисоблаш қийин эмас. Бу оз эмас, кўп эмас — 150 тоннани ташкил этади!

Шунингдек, 1958 йилдан то 1991 йилгача Учқудук саноат ҳудудида уран конининг очик усулда ўзлаштирилиши оқибатида таркибида ана шундай маъдан бўлган 1 миллиард 400 миллион куб метр чиқинди уюмлари ҳосил бўлиб, у 237 минг квадрат метр майдонни эгаллаган эди. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида мутахассисларимиз томонидан илмий тадқиқотлар қилинди. Чиқиндиларни қайта ишлаш ва ҳудуд экологик муҳитини яхшилаш мақсадида “Радиоактив кон ағдармаларини рекултивация қилиш усуллари” мавзусидаги тадқиқот ишига Ўзбекистон Интеллектуал мулк агентлигиндан патент олинди. Натижада Шимолий кон бошқармаси геотехнологик конида таркибида уран мавжуд чиқиндиларни рекултивация қилиш участкаси ташкил этилди. Участка фойдаланишга топширилгандан буюн 636 минг тонна чиқиндидан уран ажрати олинди ва катта ҳудуд рекултивация қилинди. Бу жараён иқтисодий самара бериши билан бир қаторда экологик муҳитнинг яхшиланишига имкон яратди.

Таркибида қимматбаҳо металллар бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳажмининг йилдан-йилга ошиб бориши, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш жараёнларига илм-фан ютуқлари ва янги инновацион ишланмаларнинг кенг жорий этилаётгани самарасидир. Бу — давр талаби. Комбинатнинг салоҳиятли жамоаси келгусида ҳам иқтисодий юксалиш омилли бўлган шундай ишларни изчил давом эттиради.

— Пандемия даврида ва ундан кейин дунёда кўп нарс ўзгаради. Бу шароитда ҳар бир корхона замонавий иқтисодий усуллар орқали ривожланиши мумкин. Комбинатнинг тараққиёт тамойилларида қандай мақсадлар устувор ўрин тутати?

— Биринчидан, фан, инновацион ишланмалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, иккинчидан, йирик корхоналар билан ҳамкорлик қиладиган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун бизнес инновацияларга ўтишда талабларни қучайтириш орқали тадқиқотлар ва ишланмалар буюртмаларини шакллантириш, уларни бу соҳага кенг жалб этиш борасида институт, университетлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш зарур. Юқори технологик билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, бугунги кунда комбинат дастуридаги лойиҳаларнинг ўртача маҳаллийлаштириш даражаси 60 фоизни ташкил этмоқда. Албатта, бу мавжуд ресурслардан самарали фойдаланаётганимизни билдиради. Аммо бу борадаги ишларимизни янада яхшилаш имкониятлари мавжуд. Бунинг учун

импорт қилинаётган металл прокати ва листлар, чоксиз қувурлар, темир қотишмаларини “Ўзметкомбинат” АЖ, “Тошкент қувур заводи” АЖ ва “Тошкент металлургия заводи” ҚҚ, ион алмашувчи смоаларини “Ўзкимёсаноат” АЖ таркибидаги корхоналар, ерости техникаси учун шиналарни “Birinchi Rezintexnika zavodi” МЧЖ каби корхоналарда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали импорт ҳажмини янада камайтиришга эришиш мумкин.

Коронавирус бизни нимага ўргатди ва қандай сабоқ чиқардик? Ҳар қандай шароитда инновацион ишланмаларни жорий этиш, ўз ички имкониятларидан унумли фойдаланиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни маҳаллийлаштириш янада кўпайиштириш, энг муҳими, аҳил жамоа ва тажрибали муҳандис-техникларни мавжуд муаммоларни ҳал этишга сафарбар этиш орқали муваффақиятга эришиш мумкин.

Жамоамиз қўлга киритаётган ютуқларининг барчаси пандемия даврида синовлардан муваффақиятли ўтаётган янги Ўзбекистон иқтисодиётини мустаҳкамлашга қаратилган. Кенг қўламли чора-тадбирлар қўриш орқали пандемиядан кейинги даврга янгича ёндашувлар, янгича қарашлар билан кириб борамиз. Зеро, комбинат ўзининг улкан салоҳияти билан келгусида ҳам янада кучли ва замонавийлашган, ўз соҳасида халқаро мавқеа юксалган корхона сифатида катта муваффақиятларни қўлга киритиш йўлидаги дадил қадамларини давом эттиради.

2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча 3,1 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди. Бунда илм-фан ва инновация ютуқларидан кенг фойдаланишни даврининг ўзи таъқозо этмоқда. Зеро, бу корхоналарнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва янада ривожлантиришнинг жон томири ҳисобланади.

— Комбинат маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш учун инновацион ютуқларни кенг жорий этиш йўлини танлаганига алоҳида урғу берилмас. Бунинг моҳияти чуқурроқ таҳлил этилса, қандай ҳулосалар келиб чиқади?

— Инновация бозор талабидан келиб чиққан ҳолда, жараёнлар ва маҳсулотларнинг сифатли ўсиш самарадорлигини таъминлаш учун жорий этилган янгиликлар. Комбинат замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган корхоналари, илмий салоҳияти юқори бўлган йирик мажмуади. Ноёблиги шундаки, унда қазилма бойликларини геологик қидириш, уларни қазиб олиш, қайта ишлаб, сифатли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёнлар амалга оширилади. Замонавий иқтисодий тилда айтадиган бўлсак, у саноат кластеридир. Комбинатнинг Инновация маркази ва илмий-тадқиқот лабораторияларида маъданларни қазиб олиш ва қайта ишланишнинг қўллаб йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар қилинмоқда.

Кейинги йилларда илмий тадқиқот натижалари ва инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга самарали татбиқ этиш туфайли комбинатда барқарор ўсиш суръатлари таъминляпти. Масалан, 2018 йилда комбинат корхоналарида илмий ишланмалар учун олинган 15 та патент 87 миллиард сўм, 2019 йилда 16 та патент 100 миллиард сўм иқтисодий самара берган бўлса, 2020 йилда 17 та патентдан олинадиган натижа 120 миллиард сўмга етди. Бу, ўз навбатида, янги ишланма ва гоаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш ва харажатларни камайтиришга олиб келяпти. Шу боис, комбинат томонидан қўллаб инновацион ишланмалар бўйича дунёнинг етакчи компаниялари ва юртимизнинг илмий-тадқиқот институтлари билан илмий ҳамкорлик ишларини йўлга қўйишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, режа ва вазифалар аниқ, мақсад ва марралар улкан. Босиб ўтаётган йўлимиз қанчалик масъулиятли ва машаққатли бўлмасин, албатта, юксак ишончни оқлаймиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Абдурауф ҚОРЖОВОВ
суҳбатлашди.**

БИЗНЕС ФОРУМ

ЎЗБЕКИСТОН–АФҒОНИСТОН: иқтисодий ҳамкорликнинг янги босқичи

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Махсулот ҳар қанча сифатли бўлмасин, унга харидор топиш тадбиркордан доим ҳаракат ва ташаббусни талаб қилади. Айниқса, товарнинг хориж бозори расталаридан жой эгаллаши осон иш эмас. Юртимизда маҳаллий маҳсулотлар экспорти учун янгидан-янги бозорларни очиб, иқтисодий ҳамкорлик қўламини кенгайтиришга қаратилган фаол ташаббуслар илгари сурилиб, кенг қўламли чора-тадбирлар кўрилаётгани тадбиркорларга яратилаётган энг катта имкониятлардан бири, дейиш мумкин.

Бу борада дунёнинг кўплаб давлатлари қатори Афғонистон билан ҳам дўстона алоқалар кенгайиб борапти. Пойтахтимизнинг “Grand Mir” меҳмонхонасида иш бошлаган Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форуми ана шундай йирик ҳамкорлик лойиҳаларидан бири.

Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси

ҳамда Бизнесни ривожлантириш уюшмаси ташаббуси билан илк бор ташкил этилган 4 кунлик форумнинг тантанали очилиш маросимида Афғонистон Ислом Республикаси делегацияси, ҳар икки мамлакат ишбилармон доиралари ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда сўз олган Афғонистон шаҳарсозлик

вазири ўринбосари Саҳар Ҳамдард йиғилганларни тарихий воқеа билан кутлаб, мазкур учрашув келгусида икки томонлама йирик бизнес лойиҳаларга кенг йўл очишини таъкидлади.

— Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар, халқаро ҳамкорлик ривожланиб бормоқда. Айниқса, бу борада 2019 йилда

бошланган фаол саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бера бошлади. Пандемия шароитига қарамай, икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 25 фоиз ўсди. Бу катта утуқ ва келгусида кўрсаткичлар янада ошишига аминмиз, — деди Саҳар Ҳамдард.

Мазкур ҳамкорликнинг навбатдаги ниҳоллари сал аввалроқ, шу йилнинг 11-14 январь кунлари Афғонистоннинг Кобул шаҳрида бўлиб ўтган “General Expo 2021” халқаро кўргазмасида “экилган” эди. Ушанда Ўзбекистон учун ажратилган павильонда юртимиздан борган 20 га яқин компания ўз маҳсулотларини намойиш этди. Сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар иштирокчиларда қизиқиш уйғотиб, манфаатли шартномалар имзоланди. Бу кўргазма бир қанча истиқболли лойиҳалар учун қўлай платформа вазифасини ўтади. Ўзбекистон делегацияси манфаатли келишувларга эришиб қайтди. Ушбу келишувлардан бири — Тошкентда Афғонистон савдо уйини очиш масаласи бугун амалий ҳаракатлар босқичига ўтган бўлса, Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форумини ташкил этиш учун юқори даражада тайёргарлик кўрилди.

Бизнес форум шу йўналишдаги ҳамкорликнинг яна бир амалий самараси сифатида баҳоланмоқда. Тадбирда юртимиз тадбиркорлари электроэнергетика, нефтни қайта ишлаш, фармацевтика, туризм-меҳмонхона, логистика, қурилиш, саноат ва қишлоқ ҳўжалиги йўналишлари бўйича ўз маҳсулотларини ҳамкор давлат ишбилармонларига намойиш этди. Форум доирасидаги тақдиротлар икки мамлакат расмийлари ва ишбилармонлар учун ташкил этиладиган B2B учрашувлари доирасида ҳам давом этади. Унда истиқболли шартномалар, ҳамкорлик келишувлари имзоланиши кутилмоқда. Шунингдек, Афғонистон тадбиркорлари делегацияси орасида йирик инвесторлар бўлиб, улар



Ўзбекистонда меҳмонхона, ресторан ва туризм йўналишларига сармоя киритиш истагини билдирган.

Яқинда Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг телефон орқали мулоқотида трансфғон транспорт йўлагини қуриш лойиҳасини илгари суриш бўйича Ўзбекистон, Афғонистон ва Покистон ҳамда етакчи халқаро молиявий институтларнинг юқори даражадаги вакиллари иштирокида ўтган уч томонлама ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши муваффақиятли бўлгани катта мамнуният билан қайд этилган эди. Ушбу лойиҳани амалга оширишни, шу жумладан, техник ҳужжатларни тайёрлашни ва қурилиш ишларини бошлаш муҳим экани таъкидланди.

— Бугун Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари учун тарихий кун, десак муболага бўлмайди, — деди Ўзбекистон экспортчилари уюшмаси раиси ўринбосари Ёркинжон Маликов. — Боиси, ҳамкорликда илк бор ташкил этилган бизнес форум икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш кўрсаткичларини бир неча баробар ошириб, экспорт-импорт муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда Афғонистоннинг бир неча шаҳрида Ўзбекистон савдо уйини очишга эришдик. Келгусида бу ишларни янада фаол давом эттириш режалаштирилган. Бугунгидек бизнес учрашувларнинг айнан Тошкентда ўтказилаётгани қувонарли ҳол. Биз бундай амалий

алоқалар янада ривожланишидан манфаатдормиз.

Форумда иштирок этаётган “Marg’ilon ABR matolar” кооперацияси узоқ йиллардан буён фаолият юритаётган йирик корхоналардан бири. Унда фақат қўл меҳнати билан тайёрланадиган 100 турдан ортиқ, хусусан, атлас, адрас матолари, шойи, беқасам, ипак гиламлар, дўппи, сўзана маҳсулотлари нафақат Фарғона вилояти, балки бутун республикамиз, ҳатто дунёнинг кўплаб давлатларида ўз харидорларига эга.

— Бизда барча маҳсулотлар қўл меҳнати ёрдамида тайёрланиб, ипак матоларимиз ҳозир жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинади, — деди “Marg’ilon ABR matolar” кооперацияси раҳбари Иброҳим Султонов. — Бугунги форум орқали манфаатли шартномалар имзолаш, келгусида Афғонистонда ҳам ўзимизнинг савдо уйимизни очишни мақсад қилганимиз.

Тадбир доирасида делегация аъзолари учун кичик саноат зоналарига бизнес тур ҳамда пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат уюштириш кўзда тутилган. Бу афғонистонлик дўстларимизнинг юртимиз туризм салоҳияти, замонавий шаҳарсозлик имкониятлари ва бошқа кўплаб йўналишлардаги тажрибаси билан яқиндан ташига имконият яратади.

Ўзбекистон — Афғонистон бизнес форуми 22 февралга қадар давом этади.

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

ИНСОН ҚАДРИ ЮКСАК, ЖИНОЯТГА ЭСА ЖАЗО МУҚАРРАР

Улуғбек АСРОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида жазони ижро этиш тизимида инсонларварлик тамойилини кенг қўллаш борасидаги ишлар давом эттирилиши ҳақида айтган, бунда қийноқларнинг олдини олиш бўйича омбудсман ваколатларини кенгайтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, тергов изоляторини ва жазони ўташ муассасаларига мониторинг таширфларини уюштириш зарурлигини таъкидлаган эди.

Омбудсман жорий йил бошидан ана шу тизим асосида ишларни бошлаб юборди.

Мониторинг таширфлари тизими доирасидаги навбатдаги жамоатчилик назорати тадбири Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган 1-тергов ҳибсхонасида бўлди.

Бу ерда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) Феруза Эшматова бошчилигидаги эксперт гуруҳи, оммавий ахборот воситалари вакиллари Миллий превентив механизми доирасида амалга оширилаётган ишлар, маҳбусларнинг яшаш, овқатланиш, тиббий ёрдам олиш шароитлари, санитария-гигиена талабларига риоя этиш ҳолатларини ўрганди.

Тергов ҳибсхонасида жиноят иши бўйича тергов ёки суд жараёни келатётган маҳбуслар вақтинча ушлаб турилади. Муассаса масъул ходимларининг айтишича, бу ердаги маҳбуслар сони кун ёки соат сайин ўзгариб туради. Кимдир келади, кимдир кетаяди.

Маҳбуслар учун қисқа ва узоқ муддатли учрашув, телефон сўзлашуви хоналарида яратилган шароитлар яхши. Почта ва бандеролларни қабул қилиш жараёни ҳам аниқ тартиб асосида йўлга қўйилган. Тергов хоналарида камералар бор, адвокат билан учрашув хонаси дахлсиз сақланади.

Аёллар жойлашган ҳудуд. Узун дахлсиз бўйлаб ҳибсхоналар. Қалин темир эшик ортида ким борлигини ҳозирча билмаймиз...

Соқчилар эшикни очади. Хонада икки қаватли иккита каравот жойлашган. Уртага овқатланиш учун стол-стул қўйилган. Панжара ортидаги деразанинг очик қисмидан кўклам нафаси уфуриб турибди. Токчага пардоз ашёлари, гигиеник воситалар териб қўйилган. Ўрин устида бадийи китоблар. Ёши 40-45 лардаги икки аёлнинг юз-кўзлари хомуш боқади, эндигина 23 ёшга кирган қиз эса ҳаёти барбод бўлаётганидан эзилиб йиғлайди. Наҳот кутади.

Бири товламачилик, бири босқинчилик, яна бири қотиллик содир этгани учун бу ерда ушлаб турилибди. Омбудсман улардан ҳол-аҳвол сўраб, шароитлар билан қизикади.

Жавоблар ўхшаш: “Шароитлар яхши, ҳуқуқларимиз поймол қилинмаяпти. Фақат адашдик, ота-онамизни, болапаримизни соғиндик, пушаймонмиз...”

Ошхонада маҳбуслар учун овқат тайёрланаётган экан. Тушликка қовурма шўрва, кечки нонуштага балик.

— Бизга олиб келинган маҳсулотлар сифатсиз бўлса, қабул қилмаймиз. Сифатли маҳсулот келтиришини сўраймиз, — дейди ошхона масъуллари.

Кутубхона, спорт майдончалари ҳам бор. Муассаса ичидаги поликлиникада дори-дармон етарли. Ётиб даволаниш учун бўлмалар ташкил қилинган. Шифокорларнинг айтишича, маҳбусларни кўпроқ қон босими кўтарилиши безовта қилади.

— Ўзбекистонда кейинги 4 йилда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида жуда катта ўзгаришлар бўлди, — деди Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) котибиятининг сектор мудири Темурбек Ҳайитов. — Бунга Президентимизнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир сиёсий иродаси билан эришганимизни алоҳида таъкидлаш жоиз. Оддий мисол: олдинлари жазонинг энг енгил тури ўталадиган манзил колонияларга кириб, маҳкумларга яратилган шароит билан таъминлашнинг ўзи бўлмасди. Бугун нафақат биз каби мутахассислар, балки сиз, журналистлар ҳам жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳбуслар билан мулоқот қилиш ҳуқуқига эгасиз.

Тергов ҳибсхонасида Миллий перевентив механизми иштирокчилари маҳбуслар билан суҳбатлар ўтказди. Ўрганиш натижалари бўйича ҳулосалар умумлаштирилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилади.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини таъминлаш, қийноқларга барҳам бериш борасида яхши кўрсаткичларга эришди. Бу халқаро миқёсда ҳам тан олинмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида жазони ижро этиш муассасаларида яратилган шароитларни келтириш мумкин. Лекин бир тамойил борки, уни ҳеч биримизнинг унутишга ҳаққимиз йўқ; ҳар қандай жиноятга жазо муқаррар.

“Янги Ўзбекистон” учун МАХСУС

ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ БОЖХОНА ВА ТРАНСПОРТ БОШҚАРУВИ СОҲАСИДАГИ НУФУЗЛИ ОРГАНИГА БИРИНЧИ МАРТА САЙЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

— Ўзбекистонда сўнгги тўрт йилда миллий иқтисодийни эркинлаштириш ва модернизациялаш, унинг барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ҳеч кимга сир эмаски, денгиз портларига тўғридан-тўғри чиқиш имкониятига эга бўлмаган ҳар қандай давлат иқтисодийтини равнақ топтиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи транспорт ва транзит салоҳиятини ривожлантириш ҳисобланади.

2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташқи савдо йўналишларини диверсификациялаш комплекс дастурига қура, барча хорижий шериклар билан транспорт ва транзит соҳасида ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш республика ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бирдир.

Ўзбекистонда божхона соҳасида илғор ислохотлар амалга оширилганини таъкидлашни истардим. Хусусан, чегарада божхона расмийлаштиришдан ўтказиш тартиблари сезиларли даражада соддалаштирилди. Бу эса тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда республика ва, умуман, минтақада халқаро бизнес операцияларини фаоллаштириш учун қўшимча туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Божхона бошқаруви соҳасидаги яна бир муваффақият 2020 йил ноябрь ойида Марказий Осиёда илк бор амалга оширилган “е-ТИР” пилот лойиҳаси — ТИР-карнет китобчалари асосида халқаро юк ташувларини электрон рўйхатдан ўтказиш йўлга қўйилгани бўлди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Қозғистон божхона органлари ва қароргоҳи Женевада жойлашган Халқаро автомобиль транспорти иттифоқи ўртасида яқин ҳамкорликда ҳаётга таъбиқ этилди.

Ўзбекистоннинг Женевадаги дипломатик миссияси транспорт соҳасидаги ҳамкорликка устувор аҳамият қаратиб,



республикаимизнинг кўп томонлама иқтисодий тузилмалар, жумладан, БМТ Европа иқтисодий комиссияси (БМТ ЕИК) доирасидаги иштирокини кучайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ХЙТ ижроия кенгашига аъзо бўлиши давлатимиз раҳбари томонидан халқаро транспорт ва транзит ҳамкорлиги соҳасида белгиланган устувор йўналишларни амалга ошириш ва савдо йўлидаги тўсиқларни камайтиришга хизмат қилади.

1975 йил ноябрь ойида БМТ ЕИК шафелигида қабул қилинган ХЙТ конвенцияси халқаро транспорт соҳасидаги энг самарали ҳуқуқий ҳужжатларидан бири ва ҳозирча ўзига хос ягона глобал божхона транзит тизими ҳисобланади.

ХЙТ конвенциясининг асосий ғоя ва тамойиллари нафақат Европа ва Осиё, балки Африка ва Лотин Америкаси каби минтақаларда ҳам халқаро юк ташувларини осонлаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон 1995 йилдан буён 77 та давлат аъзо бўлган мазкур конвенциянинг фаол иштирокчиси бўлиб келмоқда.

ХЙТ ижроия кенгаши ХЙТ китобчасини қўллаган ҳолда юкларни

халқаро ташиш тўғрисидаги божхона конвенциясининг муҳим институти ҳисобланиб, мазкур муассаса конвенция шартларига риоя қилиниши, шу жумладан, кафолат тизимининг таъминланишини назорат қилади ҳамда конвенция маъмурий қўмитаси томонидан унга қўшилган вазибаларни бажаради.

ХЙТ ижроия кенгаши таркиби 9 аъзодан иборат. Улар ташкилотга аъзо давлатларнинг кўпчилик овози билан сайланади. Кенгашга сайловда 11 та давлат ўз номзодини қўйди ва 57 та давлат овоз берди.

Овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистон, Россия, Эрон, Туркия, Озарбайжон, Италия, ЕИ, Австрия ва Нидерландия 2021-2022 йилларга ХЙТ ижроия кенгаши аъзоллигига сайланди. Мазкур кенгаш таркибига Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси божхона назорати бош бўлими раҳбари Рустам Қобулов мамлакатимиз номидан қиртилди.

Шундай қилиб, бундан буён Ўзбекистон ХЙТ ижроия кенгаши аъзоси сифатида ХЙТ конвенцияси кун тартибини белгилаш, қўллаш, шунингдек, кафолатлар тизими фаолиятини мониторинг қилиш жараёнида бевосита иштирок этади. Яна таъкидлаш лозимки, конвенцияга аъзо барча мамлакатлар ва унинг институтлари олдида турган долзарб масалалардан бири ХЙТ тизимини рақамлаштириш жараёнини тезлаштиришдан иборат.

Шу нукта назардан, Ўзбекистон ХЙТ конвенциясининг 2020 йил февраль ойида қабул қилинган 11-илловаси амалга оширилишида фаол қатнашди. Бу эса халқаро йўл транспортда электрон ХЙТ китобчаларидан фойдаланишга ўтишни ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

“Дунё” АА

Женева

МАЪНАВИЙ МЕРОС

АДОЛАТПАРВАР ДАВЛАТДА ТОТУВЛИК
ВА БАҒРИКЕНГЛИК БЎЛАДИ



Муҳаммади УСМОНОВ,
Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти
профессори, юридик фанлар доктори

Мамлакатимизда миллий давлатчиликни юксалтириш, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида бой тарихий меросимиз, улғ аждодларимизнинг давлатни бошқариш тажрибаларига таянган ҳолда иш юритиб, жамиятда барқарорлик ва тинчликни сақлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Бунда буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлатни адолатли бошқариш, жамиятда барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабат, жамиятда тинчликни сақлашга доир тажрибаси диққатга сазовордир.

Давлатимиз раҳбари ҳақли равишда таъкидлаганидек, “Бобур Мирзо халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтани назаридан у ҳамон яшайпти. Ўзгичмизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз”.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, “Мубаййин” асарларида, шунингдек, қатор ғазалларида давлатни адолатли бошқариш, барқарорлик, тинчлик, инсонпарварлик, давлат ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро муносабат ҳақида илғор ғоялар баён қилинган. Буюк

саркарданинг давлат бошқарувида оид ғоялари мазмуни теурийлар салтанатини сақлаб қолиш, сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан мустақкам адолатли давлат тузиш, жамиятда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдан иборат эканини кўраимиз.

Улғ бобокалонимиз шох ва шоир, узоқни кўзлайдиган арбоб ва моҳир саркарда сифатида танилган. У ўз навкарларига доимо ғамхўрлик кўрсатган, оддий жангчидай барча машаққат ва укубатларни улар билан бирга тортган, аксарият ҳолларда пиёда юрган, тоғу тош ошиб, сув кечиб, сафар қийинчиликларига

шерик бўлган. Шунинг учун ҳам жангчилар ишончини қозониб, қўшинда мустақкам интизом ўрната олган.

У давлатни адолатпарвар, маърифатпарвар подшоҳ бошқариши лозим, деб ҳисоблаган. Бобурнинг Ҳиндистондай турли миллат, дин ва қадриятлар уйғунлашиб кетган мамлакатни бошқариш тажрибаси алоҳида эътиборга моликдир. У Ҳиндистонга теурийларга хос давлат бошқарувини олиб киришга эришди ва унга мустақкам асос солди. шаҳарларни обод қилди, қудуқлар қазиб, сув чиқарди, гўзал боғлар яратиш каби ишларни амалга оширди.

Шунингдек, давлат ишларини юритишда улғ саркарда бағрикенглик, миллий тотувлик, байналмилаллик каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратган. Масалан, Бобур давлатининг Кобул улусида аҳоли ва ҳудуди жиҳатдан катта бўлмаса-да, турли этник, миллий, тил, иқтимоий-иқтисодий турмуш тарзи бир-бирдан кескин фарқ қилувчи қабиалар яшаган. Уларнинг ўртасида иқтисодий, савдо ва маданий алоқаларни ўрнатиш, ягона маъмурий марказдан туриб бошқариш, барқарорликни таъминлаш ниҳоятда мушкул бўлиб, уни амалга ошириш учун давлат бошлиғидан катта ҳарбий, сиёсий ва маъмурий маҳорат талаб қилинган. Бобур ўзининг Кобул улусидаги фаолиятининг дастлабки йилларида мамлакатда барқарорлик, тинчлик ўрнатишга, этник ва миллий можароларга йўл қўймасликка сазовор бўлди, ўз ҳокимиятини мустақкамлашга эришди. Давлат ишлари билан жиддий шуғулланиб, санъаткор ва шоирларни ўз ҳимоясига олди. Деҳқонларга далада бериб, хунармандларни қўллаб-қувватлади.

Бобур давлат ишларини юритишда парокандалик, бошбошдоқлик ва ғуруҳбозлик иллатларига батамом мурасасиз бўлган. Унинг фикрича, қўш ҳокимиятчилик оқибатида мамлакат душман томонидан босиб олиниши, унда парокандалик ҳукм суриши мумкин. Саркарда давлатда, мансабга эришиб, манманликка берилишни, оддий меҳнат аҳлини нуқутишни қоралаган ва амалдор шахсни камтарин бўлишга, инсон қадр-қимматини уйлаб иш қўришга қайтирган:

Давлатқа етиб, меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзингни асру тутма.

Бобур назидида давлатда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳукмдор бирон-бир ҳокимнинг ўз мансабини суиистеъмол қилганидан хабар топиши биланоқ, бошқаларга ўрнак бўлиши учун уни жазога тортиш керак. Давлатни бошқаришда кўнгилчанликка йўл қўймаслиги ва мансабдор шахсларни маслаҳат

ва жазо билан тарбиялаб бориши зарур.

Бобур Амир Теуур салтанатини бирликда сақлаш, теуурийзодалар орасида ниғоқ ўрнига дўстлик, ҳамкорликни кучайтиришни ўзининг энг биринчи ва асл мақсади, деб билган. Унинг фикрича, юрт маъмурлиги, фуқароларнинг давлат тузумидан розилиги давлатнинг асл мазмунини ташкил этади. Фақат адолатли тузумгина ҳақиқий маъмурлиқни вужудга келтиради. Бобур сиёсатида андиша, афв этиш, бечораларга қўмак қайфияти ҳаммаша устун бўлган. Адашгани кечириш, мусулмончилик, шариат аҳкомига бўйсуниш Бобур давлатчилик сиёсатининг неғизи ҳисобланган.

Ўз навбатида, амирлар, беклар ва оддий фуқаролар Бобурнинг ҳурматини жойига қўйганлар. Шу сабабдан у Бадахшондан Беҳоргача бўлган улкан салтанатда тартиб ва осойишталикни, тинчлик ва хавфсизликни сақлаб тура олган. У қўл остидаги фуқаролар мулки ва номуси дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатда адолат ўрнатишга интилган, сарой ва маҳаллий амалдорлардан оддий фуқароларга нисбатан доимо шафқатли бўлишни талаб қилган.

Гарчи Бобур ёмонлик жазоланиши керак, деб ўқтирган бўлса ҳам инсонпарвар сифатида ўз фаолиятида ёмонликни яхшилик билан, адолат билан енгишга ҳаракат қилган. Ғуноҳ қилган беклари, амирлари, қариндош-уруғлари ва ҳатто ўз душманларига нисбатан ҳам муруват кўрсатгани, яхшилик қилгани ҳамда адолатли ҳукм чиқаргани тарихий ҳужжатлардан маълум.

Буюк давлат арбобининг подшоҳ сифатида чиқарган қўллаб фармонларининг ҳуқуқий табиати ва мазмун-моҳиятида адолатпарварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳақ йўлида жаҳолатга қарши кураш, мақсад сари ғайрат-шижоат билан интилиш каби ғоялар мужассам бўлган. У шариат аҳкомларининг ҳақиқий инсон бўлиши, жамиятда тартиб ўрнатиши, зулм қилмаслиги ва бошқалар ҳуқуқини топтамаслиги, ўзининг мавқеини суиистеъмол қилиб, шахсий манфаати йўлида адолатсизлик ва ҳақсизлик қилмаслиги лозим, деб билган.

Хулоса қилиб айтганда, буюк саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг давлат ишларини юритиш ва жамият ҳаётини ташкил этиш тажрибасидан унумли фойдаланиш янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида тинчлик-хотиржамлик, хавфсизликни таъминлаш, миллатлараро тотувлик ва иқтимоий адолатни йўлга қўйиш, бағрикенглик, ёшларнинг миллий ўзлиги ва ғурурини юксалтириш, юртимизда адолатли демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини такомиллаштиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

ТИЛ – МИЛЛАТ
КЎЗГУСИ, ҒУРУРИ,
ТАФАККУР
МАНБАИ. БУЮК
МАЪРИФАТПАРВАР
БОБОМИЗ АБДУЛЛА
АВЛОНИЙ ЁЗГАНИДЕК:
“ҲАР БИР МИЛЛАТНИНГ
ДУНЁДА БОРЛИҒИНИ
КЎРСАТАДУРГАН
ОЙИНАИ ҲАЁТИ ТИЛ ВА
АДАБИЁТИДУР.
МИЛЛИЙ ТИЛНИ
ЙЎҚОТМАК
МИЛЛАТНИНГ
РУҲИНИ
ЙЎҚОТМАҚДУР”.



21 ФЕВРАЛЬ – ХАЛҚАРО
ОНА ТИЛИ КУНИ
ТИЛИМИЗ МАҒРУР
ЯНГРАСИН

Улбўсин АБДУМАЛИКОВА,
“Ижтимоий фикр” Республика
жамоатчилик фикрини
ўрганиш маркази директори
маслаҳатчиси

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси муқтақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Президентимизнинг, “Бугунги кунда биз янги Ўзбекистонни, янги Ренессанс пойдеворини барпо этишдек эзу мақсадларимизга эришишда, ҳеч шубҳасиз, она тилимизнинг ҳаётбахш қудратига таянамиз”, деган пурмаъно сўзлари замирида ҳам улкан мазмун ва маъно мужассам. Чунки неча асрлар оша аждодларимиздан бизга безавол ўтиб келатган она тилимизнинг равнақи ва истиқболи ҳақида қайғуриш — бу миллатнинг ўзлигини англаши, унинг маънавий камолотини юксалтириш учун кураш демакдир. Она тилимизнинг обрў-эътибори — бутун халқ, бутун жамиятнинг обрў-эътиборидир.

Бугунги рақамлаштириш шароитида ҳаёт мароми шиддат билан кечиб, барча соҳаларда бўлгани каби тиллараро ўзаро таъсир ҳам кучаймоқда. Замонга мослашиш, унга ҳамнафас бўлиш ниятида ҳар ким қўлидан келганича ҳаракатда. Шу боисми, ахборот технологиялари даврида тилимизга ёт сўзларни матнларда бемалол ишлатиш ҳоллари кўзга ташланмоқда.

Айниқса, айрим ҳужжатлар, мақолаларда хорижий атамаларнинг тез-тез ишлатилиши сабаб уни ўқиб-тушуниш учун интернетдан изоҳ қидириш оддий ҳолга айланиб қолди. Афсуски, кейинги пайтларда айрим сўз ва тушунчаларнинг ўзбекча муқобили бўла туриб ҳам, унинг хорижий тиллардаги асл қўринишларини тилимизда тўғридан-тўғри ишлатиш урфга кирди.

Ҳаётимиздаги шу каби ҳолатларни кўриб, буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг қуйидаги сатрлари, худди бугун ёзилгандай нақадар долзарб эканлигига амин бўласан киши: “...рус лисонини билмак ҳаёт ва саодатимиз учун ош ва нон каби кераклик нарсадур. Лекин ўз еринда ишлатмак ва сўзламак лозимдур. Зиғир ёғи солуб мошкичири каби қилуб, аралаш-қуралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур”.

Ҳа, бугунги ёшларимизнинг асосий қисми Мустақиллигимиз билан тенгдош, қўнчилиги ундан ҳам ёшроқ. Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганини, миллатимизнинг ҳар бир вакили исталган жойда, исталган минбардан бемалол ўз она тилида эркин сўзлаш имконига эгалигини улар оддий ҳол деб билади. Ғўеки азал-азалдан, ўзбек тили пайдо бўлгандан

бери шундай бўлган. Бу имконият учун қанчадан-қанча миллатпарвар зиёилар, маърифатпарварлар, тилимиз фидойилари ва кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати керак бўлгани тарихдан аён.

Бугун ўзбек тили давлат тили сифатида Ўзбекистондаги турли миллат ва элларнинг узаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланган. Ҳақиқатан ҳам шундай эканлигини “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан миллатлараро муносабатлар соҳасида ўтказилган сўров натижалари аққол кўрсатиб берди. Сўров натижаларига асосан мамлакатимизда турли миллатларга мансуб фуқароларнинг аксарияти давлат тилини билади. Сўровда иштирок этган ҳар иккинчи респондент бемалол гапирмаса-да, давлат тилини тушунади, қарий бешдан бири ўзбек тилини муқаммал билади.

Сўров натижаларига кўра, турли миллат вакилларидан 56 фоиз қишлоқ аҳолиси ва 39 фоиз шаҳар аҳолиси давлат тилини яхши тушунади. 18-19 ёшдагилар орасида ўзбек тилини билишнинг энг юқори даражаси кузатилди: 40 фоиз ёшлар ўзбек тилини яхши тушунади ва бемалол сўзлашади. Тадқиқот республикаимизда турли миллат вакилларининг давлат тилини ўрганиши иштиёқи баландлигини аниқлаб берди.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан “Мамлакат фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи тўғрисида” мавзусида ўтказилган телефон сўрови натижаларига кўра, давлат раҳбарининг халқаро ҳамжамиятга Мурожаати ватандошларимиз ўртасида акс-садо берди.

Шуниси эътиборлики, сўров иштирокчиларининг асосий қисми давлатимиз раҳбарининг нутқи ана шундай юксак халқаро минбардан биринчи бор ўзбек тилида янграганда, ўз мамлакатини ва бутун Ўзбекистон халқини учун фахр-ифтихор ҳиссини туйганини таъкидлади.

Сўровнома иштирокчилари фикрича, Президентимизнинг ўзбек тилидаги нутқи миллий ўзлиқни англашда, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрни ва нуфузи мустақкамланишида, БМТга аъзо давлатлар ўртасида қўп тили мулоқот ва ҳамкорликнинг кенгайишига муносиб ҳамда ишончли қадам бўлди.

Ватанимизнинг бош Қомусида ҳуқуқий мақоми белгилаб қўйилган давлат тилига нисбатан бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам қўпроқ ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳар бир инсоннинг юксак фуқаролик бурчи бўлиши керак. Бугун ҳар биримиз давлат тилига эҳтиром кўрсатишни, унинг ҳурматини жойига қўйиш ўзимизнинг ватанпарварлик бурчимиз, деб билишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

ХАЛҚАРО ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШГА
ТАЙЁРГАРЛИК БОШЛАНДИ



Миллий матбуот марказида “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўтган йили бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам турли соҳаларда режалаштирилган аксарият тадбирлар, режалар амалга ошмай қолди. Шу жумладан, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танлов ҳам тўхтатилди. Жорий йилда эса ижодкорларнинг мазкур кўриги ҳар йилдагидек кўтаринки руҳда ўтказилиши кўзда тутиляпти.

Йиғилишда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов ОАВ вакилларига шулар ҳақида маълум қилди. Шунингдек, “Олтин қалам” XV миллий мукофоти учун халқаро танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кун тартибидидаги ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Таъкидлаш жоизки, бу галги танлов материалларига ОАВларнинг онлайн овоз беришига имкон яратиш режалаштириляпти. Ҳар йилгидек, хорижий журналистлар ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Танлов низомига ўзгартиришлар киритиш юзасидан иштирокчилар фикрлари тингланиб, тақлиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш учун муддат белгиланди.

2006 йилда илк бор ўтказилган ушбу танловда 136 нафар журналист 1669 га ижодий иши билан қатнашган бўлса, 2019 йили XIV миллий мукофоти учун танловда 510 нафар ижодкор 7500 га яқин материал билан иштирок этган. Ушбу кўрсаткичлар танловнинг қўламини ва нуфузини йилдан-йилга ошиб бораётганидан далолатдир.

Бу эса журналистларда фуқаролик позицияларини намоён этиш, танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янгича ёндашишни шакллантираётгани билан аҳамиятли.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири